

## Рамазон машъаласи билан олдинга



10:02 / 31.03.2025 1272

Рамазон ойи ўтди. Бир муддатга кишанланган шайтонлар яна ақлимиз, уйимиз, ўнгу сўлимиздан жой олди. Яна инсонларни васвасага солиш учун ичган онтини бажара бошлади.

«У деди: «Мени йўлдан оздирганинг сабабли уларга тўғри йўлингда албатта тўғаноқ бўламан. Сўнгра уларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмассан» (Аъроф сураси, 16-17-оятлар).

Рамазондан олдин тинчимизни бузган бу курашда ожиз қолган эдик, ушбу баракотли ойдаги саъй-ҳаракатларимиздан асосий кўзланган мақсадни унутиб қўймайлик. Рамазондан олинган самаранинг йўқолишига имкон бермайлик. Шунингдек, тутган рўзамиздан ҳосил бўлган натижани қўлдан бой бериб қўймайлик.

Башариятни рўза тутишга буюрар экан, Аллоҳи таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз» (Бақара сураси, 183-оят).

Ҳаётдаги асл мақсадимизни амалга ошириш учун муҳими Аллоҳни танишдир. Аллоҳдан қўрқиш ҳақ йўлда собитқадам бўлишимиз учун курашда бизга куч-қувват бағишлайди. Агар тақво қувватимиз бўлса, Рамазон бизнинг шахсий мураббийимизга айланади.

Рамазон ойи давомида Аллоҳга бўлган қўрқувимиз сабаб асосий моддий эҳтиёжлар (ейиш ва ичиш)дан ўзимизни тия олган бўлсак, ўша қўрқув туфайли Рамазондан кейин ҳам ҳаром ишлардан тийилишга қурбимиз етмайдими? Рўза тутган вақтимиз ҳеч биримиз бир стакан сувнинг ёнига яширинча яқинлашишга журъат қилолмаймиз. Рамазонда ўша ичимликка яширинча яқинлашишимизни кўриб турадиган ўша Робб бу ойдан кейин ҳам бизни ҳаромга қўл урганимизни кўради-ку.

Рамазон ойида танамизни озиқлантириш учун саҳарда уйғонар эдик. Аммо Рамазондан кейин бомдод маҳали ухлаб ётамиз ва руҳимизни тирик қолиши учун муҳим бўлган эҳтиёждан мосуво қиламиз. Шайтон бизни мағлуб этишига изн бермайлик. Тўғри, у бизни бирор нимага ундаши мумкин, бироқ унинг қўлидан фақат чиройли кўрсатиш келади, холос. Ихтиёр ва имкон доим ўзимизнинг қўлимизда. Аллоҳ таоло Қуръонда бизга айтади:

«Иш битиб бўлганда шайтон: «Албатта, Аллоҳ сизга ҳақ ваъдани қилган эди. Мен эса сизга ваъда бердим-у, ваъдамга хилоф қилдим. Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз. Бас, мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг. Мен сизларни қутқарувчи эмасман, сизлар ҳам мени қутқарувчи эмассизлар. Энди, мен, албатта, илгари мени шерик қилганингизни инкор қиламан. Албатта, золимларга, ҳа, уларга аламли азоб бор», деди» (Иброҳим сураси, 22-оят).

Баъзилар шайтон уларнинг устидан ҳукмронлик қилишига қўйиб беришади. Аммо шайтоннинг ҳеч кимнинг устидан ҳукмронлик қилолмайди. Аллоҳ таоло шайтонга қарата хитоб қилди:

«Албатта, менинг бандаларим устида сенинг султонинг йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳларгина бордир» (Ҳижр сураси, 42-оят).

Биз ҳам қандай қилиб шайтонга тобе бўлмайдиган Аллоҳнинг бандалари қаторидан жой олишимиз мумкин? Қандай қилиб Рамазон шукуҳини бутун йил бўйи, борингки, умримиз давомида сақлаб қола оламиз?

Қуйида бу борада бир қанча йўлларни санаб ўтаман:

### 1. Намозингизни муҳофаза қилинг.

Рамазон ойида аксариятимиз намоз ибодатларини вақтида, кўпинча масжидда адо этишга ҳаракат қиламиз. Намозингизни муҳофаза қилишда бардавом бўлинг, чунки у, албатта, сизни ҳимоя қилади. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида марҳамат қилади:

«...Албатта, намоз фоҳиша ва мункар ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри буюк ишдир. Аллоҳ нима қилсангиз, билур» (Анкабут сураси, 45-оят).

### 2. Қуръонга яқинлашиб, Аллоҳни зикр қилинг.

Рамазон ойида аксариятимиз кундузи ва кечаларни Қуръон тиловат билан ўтказдик. Қуръон ўқиб, Аллоҳни зикр қилиш сизни шайтондан ҳимоялайди ва қалбни сайқаллаб туради. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Ҳар бир нарсанинг зангини кетказувчи восита бор. Қалбнинг занги Аллоҳнинг зикри билан сайқалланади» (Бухорий ривояти).

Яна Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам: «Қуръонни кўпроқ тиловат қилинг. Чунки Қиёмат куни Қуръон эгасига шафоатчи бўлиб келади» деганлар (Муслим ривояти).

### 3. Кўп ўйлаб, оз гапиринг.

Набий соллalloҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Баъзида инсон Аллоҳга хуш келадиган сўзни гапирди, бунинг эвазига Аллоҳ унинг мартабасини кўтарди ва баъзида бир инсон Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган сўзни айтиб қўяди ва бу уни дўзахга олиб боради» (Бухорий ривояти).

Солиҳ салафлардан Иброҳим Нахайй бундай деган:

«Мулоҳаза қилиб кўрган киши ҳар бир йиғилишнинг энг олийжаноб ва энг обрўлиси сукут сақлаган киши эканини билиб олади, чунки сукут олимни

кўркам қилади ва жоҳилларнинг айбини яширади».

4. Кўп истиғфор айтинг. Кўпчилигимиз Рамазон ойи давомида Аллоҳга истиғфор айтамыз, бироқ бу ибодатни Рамазон тугаши билан тарк этамыз. Шунинг ўзидан сақлангани, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кунига 100 мартаба истиғфор айтганлар. Истиғфор айтиш қалбимизни пок ва уни Аллоҳга боғланган ҳолда сақлайди.

Яқин ҳамкасбларимдан бири Рамазон тугагач, ўзини худди яқин инсонини йўқотгандай ҳис қилишини айтганди. Бу аини ҳақиқат. Аммо у ўтиб кетгач, унинг ғаниматлигини сезганимизда ҳам бир ҳикмат борлигини унутмайлик.

**Флюра Умурзоқова таржимаси**  
**«Ҳилол» журналы 4 (37)-сон**